

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ХУҚУҚБУЗАРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Иброҳимова Моҳигул Нозимжон Қизи

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги

Академияси 311-гуруҳ курсанти

АННОТАЦИЯ: Бугунги кунда давлатимизда вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этиш тобора ошиб бормоқда. Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра содир этилаётган ушбу жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш учун унинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Турли хилдаги ташқи таъсирлар, интернет тармоқларидаги ёшларнинг онгини бузаётган иллатлардан ҳар томонлама қутулиш даркор. Ёшлар давлатнинг келажаги, халқнинг эртанги кuni экан уларга бўлган эътиборни кучайтиришимиз, ўзбек халқининг фарзандларини етук ҳуқ-атвор билан тарбиялаш лозим.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатлар, девиант ҳуқ-атвор, якка тартибдаги профилактика, психолог, миллий қадриятлар, урф-одатлар, назоратсиз, қаровсиз.

ANNOTATION: Today, the occurrence of violations by minors in our state is increasing. It is advisable to study its causes and conditions in order to identify and prevent these crimes being committed according to the degree of social danger. External influences in a variety of ways, from vices that disrupt the minds of young people on the internet networks, are difficult to get rid of in a different way. It is necessary for young people to strengthen their attention as the future of the state, as the next day of the people, to educate the children of the Uzbek people with mature behavior.

Key words: trespass, anti-social acts, deviant behavior, individual prevention, uncontrolled, unattended.

Бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар деярли барча давлатларда глобал муаммо бўлиб келмоқда. Бу жиноятларнинг содир этилишида кўплаб психологик, ижтимоий, иқтисодий сабабларнинг ўрни катта. 2010-йил 29-сентябрда қабул қилинган “ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА

НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА¹”ги қонуннинг 3-моддасида асосий тушунчалар келтириб ўтилган.

Вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар. Улар томонидан содир этиладиган ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари. Вояга йетмаган ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликка йўл қўйишига асосий сабаблардан бири-ҳиссий муаммо. Болага нотўғри муносабатда бўлиш ва нотўғри тарбиялаш болада бир нечта ҳиссий муаммоларни келтириб чиқаради. Турли

кузатувлар, ҳолатлар тарихи ва интервьюлар шуни кўрсатдики, ҳуқуқбузарларнинг анча юқори фоизи ҳиссий бузилишларни намоён қилган.

Ишонсизлик туйғуси, ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзоларини рад этиш ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатларини келтириб чиқарадиган кейинги муҳим омиллардир. Ўзбекистонда сўнгги йилларда қарийб 3600 нафар вояга етмаганлар жиноят содир этди. Беш йил давомида бу кўрсаткич қарийб 4,4 баробарга ошди. Йил давомида товламачилик 70, безорилик 60, қасддан баданга оғир шикаст етказиш 40, номусга тегиш ва одам ўлдиришга уриниш еса 20 фоизга кўпайди. Жиноят содир этган вояга етмаганлар енг кўп — 700 нафар Фарғона вилоятида қайд этилган. Кейинги ўринларда Тошкент — 545, Наманган вилояти — 451 ва Тошкент вилояти — 345 киши. Енг паст кўрсаткичлар Жиззахда — 54, Навоийда — 62 ва Хоразм вилоятларида — 66 киши. Жиноят турлари бўйича вояга етмаганларнинг аксарияти ёки 1602 нафари ўғрилик (бир йил аввал — 1581 нафар), 453 нафари безорилик (284 афар, ўсиш 60 фоиз), 135 нафари фирибгарлик (134 нафар), 181 нафари талончилик ва босқинчилик (162 нафар, +11%) содир этган, 104 нафари қасддан баданга оғир шикаст етказиш (74, +40%), 54 нафари — номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш (46, +20%), 27 киши — товламачилик (16, +70%) 12 нафари еса қасддан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш (10, +20%) жиноятини содир этган. Шунингдек, вояга етмаганларнинг 57 нафари гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ёки сотиш, 121 нафари ўлимга олиб келмайдиган ё‘л-транспорт ҳодисалари, 4 нафари қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни тайёрлаш ёки сотиш каби жиноят қилган.

Жиноят содир этилган вақтда уларнинг 2730 нафари талабалар, 510 нафари ишчилар, 148 нафари ишламайдиган ёки ўқимайдиган, 8 нафари хизматчилар, 190

¹ 1. <https://lex.uz/docs/-1685726?ONDATE=15.09.2017>

нафари бошқа тоифаларга мансуб болалар бўлган. Ота-оналар ўз фарзандларининг иясига бэъэтибор бўлганлиги сабабли

вояга етмаганлар юқорида кўрсатилган жиноятларни содир этмоқдалар.

Профилактика инсректорлари томонидан ота-оналар ўз фарзандларини назоратсиз ва қаровсиз қўяётган ҳолатлар аниқланмоқда. Назоратсиз — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган. Қаровсиз — аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган. Вояга етмаганларни жиноят содир этишида уларга нисбатан ташқи муҳит, ота-онаси, дўстлари ёки бошқа бирор шахсларнинг босими, улар томонидан салбий муносабатлар қилиниши ҳам сабаб бўлмоқда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукукбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга кўра, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ атворида салбий таъсир кўрсатаётган, улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ҳолатларда ва бунинг оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолганда вояга етмаган болалар тегишли тартибда Вояга етмаганларга ижтимоий ҳукукий ёрдам кўрсатиш муассасаларига жойлаштирилади.²

Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ушбу жиноятларнинг олдини олиш мақсадида давлатимиз томонидан кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотларнинг асосий мақсади вояга етмаганлар ва ёшларни камол топтириш, иқтидорини тўла-тўқис рўёбга чиқариш учун ижтимоий, иқтисодий, ҳукукий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат. Бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг тахминан 60 фоизини ташкил этади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ёшда инсоннинг онги, ахлоқи, маънавий қиёфаси шаклланади. Шу боис мамлакатимизда бундай ёшларга еътибор кучайтирилган. Вояга етмаган ўсмирлар хулқ-атворини шакллантиришнинг психологик жиҳатларини ўрганиш борасида республикаимиз психологлари

томонидан ҳам бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Жумладан, М.Давлеҷҳин, Е.Ғозиев, М.Воҳидов, В.Каримова, Н.Сафоев, Ф.Ҳайдаров, Ш.Дўстмуҳамедова, Л.Назирова, Н.Комилова каби олимлар томонидан ўсмир психологияси, вояга етмаганлар психологияси, ўсмирлар хулқ-атворининг

² 2. <https://adolatmarkazi.uz/uzs/news/news/voaga-etmaganlar>

ўзига хослиги, ўсмирлардаги оғишишлар, тарбияси оғир ўсмирлар, вояга етмаганлар жиноятчилиги, ўсмирлар хулқ-атворини ўзгаришига та‘сир етувчи омиллар каби масалалар ўрганилган. Ўсмирлик даврини инқирозли даврга айлантириб қўядиган сабаблар жуда кўп (болаларнинг жинсий етилиши, уларда катталиқ ҳиссинингпайдо бўлиши ва ривожланиши, мустақилликка бўлган еҳтиёжнинг кучайиши ва ҳ.к.). бундай сабабларнинг таҳлиliga бағишлаб қатор мақолалар, рисоалар ёзиш мумкин.

Бироқ фарзандининг тилини топа олмаётган, у билан психологик алоқа ўрнатишга қийналаётган ҳар бирорта-онани фарзандидаги ўзгаришларнинг сабабларидан кўра шундай вазиятларда қандай йўл тутиши кераклиги, нима қилиш мумкинлиги кўпроқ қизиқтиради. Шу туфайли ушбу бўлимда асосий урғу ўсмир ёшдаги болалар ва оналар ўртасидаги психологик алоқани, мулоқотни яхшилаш учун нималар қилиш мақсадга мувофиқлигига қаратилди.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинганлиги болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Ватанимизнинг эртанги келажаги бугунги ёшлар қўлида бўлганлиги учун уларнинг таълим-тарбияси, ахлоқ-одоби, маънавий камолотини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига етган.